

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШОДИЕВА МАФТУНА БАҚОЕВНА

МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ РИНОСИНУСИТ
ТАШХИСОТИ, ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.04 – Оториноларингология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Шодиева Мафтуна Бакоевна

Мактаб ёшидаги болаларда сурункали риносинусит ташхисоти, даволаш ва профилактикасини оптималлаштириш 3

Шодиева Мафтуна Бакоевна

Оптимизация диагностики, лечения и профилактики хронического риносинусита у детей школьного возраста 25

Shodieva Maftuna Bakoevna

Optimization of diagnosis, treatment and prevention of chronic rhinosinusitis in school-age children..... 47

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ

Lists of published works 53

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ШОДИЕВА МАФТУНА БАҚОЕВНА

МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ РИНОСИНУСИТ
ТАШХИСОТИ, ДАВОЛАШ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

14.00.04 – Оториноларингология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

БУХОРО – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/Tib3503 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифанинг (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz)

Илмий раҳбар:	Нуров Убайдулло Ибодуллаевич тиббиёт фанлари доктори (DSc), доцент
Расмий оппонентлар:	Насретдинова Махзуна Тахсиновна тиббиёт фанлари доктори, профессор Шамсиев Жаҳонгир Фазлиддинович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси (Қозоғистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси 2025 йил «5» август соат 12⁰⁰ да Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/27.09.2024.Tib.93.03 Илмий кенгашининг 2025 йил «5» август кuni соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru.)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (56 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Ғиждувон кўчаси, 23-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.)

Диссертация автореферати 2025 йил « 5 » август кuni тарқатилди.
(2025 йил « 5 » август даги 56 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Т.Уроков
Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Н.Н.Казакова
Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари
доктори (DSc), доцент

Б.З.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар
раиси, тиббиёт фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Замонавий оториноларингология энг муҳим муаммолардан бири – сурункали риносинусит билан тўқнашмоқда. Бу касаллик бурун ёндош бўшлиқлари шиллиқ қаватининг узок муддатли яллиғланиши бўлиб, доимий белгилари, тез-тез рецидивлари ва беморларнинг ҳаёт сифатининг сезиларли даражада пасайиши билан характерланади. Тиббиётнинг ривожланишига қарамай, «...сурункали риносинусит ҳолатларининг учраш даражаси юқори бўлиб қолмоқда ва стандарт даволаш усуллариининг самарадорлиги кўпинча касалликни тўлиқ бартараф этиш учун етарли эмас...»¹. Сурункали риносинусит тарқалиши ноқулай экологик шароитлар, антибиотикларга чидамли бактерия штаммларининг кўпайиши ва маҳаллий ҳамда умумий иммунитетга таъсир қилувчи сурункали касалликлар сонининг ортиши билан боғлиқ. Замонавий тадқиқотларга кўра, бугунги кунда катталарнинг 10% ва болаларнинг 20% ушбу патологиядан азият чекмоқда.

Жаҳон амалиётида сурункали риносинусит диагностикаси ва терапиясини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Улар замонавий даволаш усуллариини, жумладан, персоналлаштирилган терапия ва физиотерапевтик технологияларни жорий этишни ўз ичига олади. Илмий манбаларга кўра, гастроинтестинал касалликларга чалинган беморларда сурункали риносинусит тез-тез учрайди ва 75–80% гача етиши мумкин. Бу ҳолат кислота-ишқор мувозанатнинг бузилиши, рефлюкс ва микрофлора таркибининг ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, даволашда комплекс ва тармоқлараро ёндашувни талаб қилади.

Республика соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш шароитида аҳоли ҳаёт сифатига таъсир этувчи касалликларнинг диагностика ва даволаш усуллариини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тиббиётни ривожлантириш бўйича давлат дастурлари сурункали яллиғланиш жараёнларини барвақт аниқлаш ва уларни самарали даволаш ҳамда олдини олиш усуллариини ишлаб чиқиш муҳимлигини таъкидлайди. Шу нуқтаи назардан, сурункали риносинусит ривожланишига кўмаклашувчи омилларни ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу янги терапия стратегияларини таклиф этиш ва ушбу патологияга чалинган беморларга тиббий ёрдам самарадорлигини ошириш имконини беради.

Мамлакатимизда бугунги кунда тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талаблари бўйича мослаштириш, сурункали риносинусит билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволашга қаратилган тадбирлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, 2022-2026 йилларда мамлакат ривожланиши стратегиясининг 7 та устувор йўналишнинг 56-мақсад, 4-қисмида «...аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш ва 2022-2023 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш дастурини татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар

¹Амонов Ш.Э. Иммунопатогенетические механизмы хронических риносинуситов у детей //Оториноларингология. Восточная Европа. – 2020. – №. 4. – С. 82-87.

мажмуини амалга ошириш...»² бўйича қатор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни бажариш болаларда сурункали риносинусит касаллигини камайтириш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали касалланиш кўрсаткичлари ва унинг асоратларини камайтириш имконини берган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сурункали риносинусит оториноларингологияда энг кўп учрайдиган патологиялардан бири ҳисобланади. Унинг патогенези, диагностикаси ва даволаш усуллари илмий адабиётларда кенг ёритилган.

Кўплаб тадқиқотлар сурункали риносинуситнинг кўп омилли табиатга эга эканлигини тасдиқлайди. Жумладан, бактериал биоплёнкалар (Ҳасанов У.Х ва ҳаммуал., 2020), мукоцилиар дисфункция (Абдулкеримов Х.Т ва ҳаммуал., 2018) ва иммун тизими бузилишлари (Тулупов Д.А ва ҳаммуал., 2018) ушбу касалликнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Шунга қарамай, сурункали риносинуситни даволашнинг оптимал усуллари, жумладан, физиотерапевтик технологияларнинг таъсири етарлича ўрганилмаган. Паст частотали ултратовушнинг бурун ёндош бўшлиқлари шиллиқ қаватига таъсирига оид замонавий маълумотлар тарқоқ ҳолда келтирилган бўлиб, унинг самарадорлигини тасдиқловчи клиник тадқиқотлар сони чекланган. Адабиётларда сурункали риносинуситни даволаш бўйича турли ёндашувлар, жумладан, антибиотикотерапия (Ҳакимжонова А.С ва ҳаммуал., 2024), кортикостероидлар (Eisenbach N.Y ва ҳаммуал., 2020) ва ирригацион терапия (Шиленкова В.В., 2021) ҳақида маълумотлар келтирилган. Бироқ, антибиотикорезистентлик ва биоплёнкалар шаклланиши муаммоси ҳалигача тўлиқ ҳал этилмаган. Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, анъанавий усуллар ҳар доим ҳам барқарор терапевтик таъсир

² «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

кўрсатмайди ва касалликнинг рецидивларини олдини ололмайди (Bulfamante A.M ва ҳаммуал., 2020) .

Ҳозирги кунда ошқозон-ичак тракти касалликларининг сурункали риносинусит кечишига таъсирига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки гастроэнтерологик патологияларга эга беморларнинг 75–80% ида бурун ёндош бўшлиқлари шиллиқ қаватида яллиғланиш ўзгаришлари кузатилади (Николаева С.В., 2020; Рязанцев С.В., 2020). Бироқ, маҳаллий илмий адабиётларда сурункали риносинусит ва ошқозон-ичак тракти патологиялари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик бўйича маълумотлар тизимлаштирилмаган, шунингдек, уларнинг ўзаро таъсир механизмлари чуқур ўрганишни талаб қилади.

Ҳозирги вақтгача сурункали риносинуситни комплекс даволашда паст частотали ултратовушни қўллаш бўйича ягона клиник тавсиялар мавжуд эмас. Шунингдек, ушбу усулнинг биоплёнкаларни йўқ қилишдаги, мукоцилиар клиренсни яхшилашдаги ва шиллиқ қават ҳимоя функцияларини тиклашдаги ўрни етарлича ўрганилмаган (De Boeck K. ва ҳаммуал., 2020).

Юқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб, янги терапевтик ёндашувларни ишлаб чиқиш ва паст частотали ултратовуш самарадорлигини ўрганиш илмий ва амалий аҳамиятга эга долзарб вазифа ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг (12.2024 PhD 210) илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «COVID-19 дан кейинги даврда Бухоро минтақаси аҳолиси саломатлигига таъсир этувчи патологик омилларни эрта аниқлаш, ташхислаш ҳамда янги даволаш профилактика усуллари ишлаб чиқиш (2022-2026 йй.)» доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактаб ёшидаги болаларда сурункали риносинуситни паст частотали ултратовушни қўллаш орқали комплекс даво самарадорлигини такомиллаштиришдан иборат бўлган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали риносинусит билан оғриган болаларда бурун бўшлиғи микробиоценозини аниқлаш ва баҳолаш;

болаларда сурункали риносинуситни даволашда паст частотали ултратовушни маҳаллий қўллашнинг самарадорлигини аниқлаш;

анъанавий даво ва замонавий физиотерапевтик даволаш усуллариининг самарадорлигини аниқлаш ва таҳлилий баҳолаш;

болаларда сурункали риносинуситни даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш орқали даволаш усуллариини оптималлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва «BUKHARA LOR MED CENTRE» хусусий клиникасида 2022-2024 йиллар давомида мурожаат қилган сурункали риносинусит билан касалланган 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган 300 нафар бола жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида болаларда сурункали риносинуситнинг клиник кўринишлари, турли терапевтик усуллар фонида симптомларнинг динамикаси, шунингдек, анъанавий ва замонавий физиотерапевтик ёндашувларнинг самарадорлиги ўрганилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни ўтказиш ва мақсадга эришиш учун умумий клиник, оториноларингологик, микробиологик, цитологик, лаборатор, нурли ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор мактаб ёшидаги болаларда сурункали риносинуситнинг клиник хусусиятлари, яллиғланиш жараёнининг оғирлик даражаси бемор ёши, нафас йўллари тузилиши ва касаллик давомийлигига боғлиқлиги тасдиқланиб, 68,4% ҳолларда мукоцилиар клиренсининг жиддий бузилиши кузатилиши, бу эса касалликнинг тез-тез қайталаниши билан боғлиқлиги аниқланган;

илк бор анъанавий ҳамда паст частотали ултратовуш терапияси қўшилган комплекс даволаш самарадорлигининг юқорилиги асосланган;

паст частотали ултратовуш кавитациясини қўллаш 71% беморларда яллиғланиш жараёнларининг сезиларли даражада камайишига, бурун ёндош бўшлиқларининг дренаж функциясини яхшиланишига ва тикланиш жараёнининг тезлашишига имкон бериши исботланган;

илк маротаба сурункали риносинусит билан оғриган болаларни паст частотали ултратовуш кавитацияси ёрдамида даволашнинг мақбул алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда сурункали риносинуситни даволашда паст частотали ултратовуш таъсирини ўз ичига олган такомиллаштирилган методика ишлаб чиқилди ва клиник синовдан ўтказилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ушбу методика анъанавий даволаш усуллари билан солиштирилганда касалликнинг ўртача давомийлигини 32,1% га қисқартириш ва рецидивлар тез-тез учрашини 1,8 марта камайтириш имконини берган;

эндоскопик ва рентгенологик текширувлар асосида олинган объектив маълумотлар шуни тасдиқлайдики, ультратовуш билан даволанган беморларнинг 73% ида 14-кунга келиб шиллиқ қават ҳолати тўлиқ нормаллашган. Назорат гуруҳида эса бундай ижобий ўзгаришлар фақат 49% беморларда кузатилган;

паст частотали ультратовуш кавитациясини сурункали риносинуситни комплекс даволашда қўллаш бўйича клиник тавсиялар ишлаб чиқилди. Ушбу тавсиялар оптимал таъсир параметрлари, усулдан фойдаланиш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмаларни ўз ичига олади. Таклиф қилинган алгоритмнинг амалиётга жорий этилиши нафақат даволаш самарадорлигини ошириш, балки дори воситаларига бўлган эҳтиёжни камайтириш, ножўя таъсирларни минималлаштириш ва беморларни реабилитация қилиш муддатини қисқартириш имконини берган;

ушбу метод клиник амалиётда қўлланилиши орқали 3 та тиббиёт муассасасида ўз самарадорлигини намоён этди. Тадқиқот натижаларига кўра, рецидивлар тез-тез учраш ҳолати 38% га камайган ва даволаш муддати ўртача 6,8 кунга қисқарган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий ишдаги назарий қарашларнинг аниқлиги, олиб борилган тадқиқот усуллариининг услубий тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, олинган натижаларни таҳлил

қилишнинг статистик усуллари, хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослаш, олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаш билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Ушбу тадқиқот натижалари болаларда сурункали риносинусит патогенези тўғрисида янги маълумотларни олиш имконини берди. Бу эса касалликни ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш учун муҳимдир. Тадқиқот жараёнида шу нарса аниқландики, комплекс даволашда паст частотали ультратовуш кавитациясини қўллаш 87,6% беморларда барқарор ремиссияга эришиш имконини беради ва бу эндоскопик ва клиник текширувлар натижалари билан тасдиқланган;

ультратовуш терапияси қўлланган беморларда симптомлар динамикасида сезиларли фарқ кузатилди: даволашнинг 10-кунига келиб клиник белгилари (бурун битиши, ринорея, бош оғриғи) тўлиқ йўқолиши 78% беморларда қайд этилган, ҳолбуки, назорат гуруҳида бу кўрсаткич фақат 17-кунига келиб эришилган;

ишлаб чиқилган даволаш алгоритми беморларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишга имкон беради. Бу эса терапия самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Паст частотали ультратовуш қўлланилиши ремиссия давомийлигини оширишга ёрдам бериши исботланган: янги усул бўйича даволанган беморларнинг 68%ида ремиссия 12 ой давомида сақланган, ҳолбуки стандарт даволаш гуруҳида 6 ой ичида 42% беморда рецидивлар кузатилган;

паст частотали ультратовуш таъсиридан фойдаланиш антибактериал терапияга бўлган эҳтиёжни камайтиришга имкон беради: комплекс даволаш гуруҳида антибиотиклар фақат 34% беморларда қўлланилган, ҳолбуки анъанавий терапия гуруҳида бу кўрсаткич 61% ни ташкил этган. Бу эса антибиотикларга чидамлик ривожланиш хавфини камайтириб, ножўя таъсирлар сонини қисқартирган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2025 йил 15 январдаги 11/36 – сон хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк бор мактаб ёшидаги болаларда сурункали риносинуситнинг клиник хусусиятлари, яллиғланиш жараёнининг оғирлик даражаси бемор ёши, нафас йўллари тузилиши ва касаллик давомийлигига боғлиқлиги тасдиқланиб, 68,4% ҳолларда мукоцилиар клиренснинг жиддий бузилиши кузатилиши, бу эса касалликнинг тез-тез қайталаниши билан боғлиқлиги аниқланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ушбу тадқиқот натижалари болаларда сурункали риносинусит патогенези тўғрисида янги маълумотларни олиш имконини берди. Бу эса касалликни ташхислаш ва даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш учун муҳимдир. Тадқиқот жараёнида шу нарса аниқландики, комплекс даволашда паст частотали ультратовуш кавитациясини қўллаш 87,6% беморларда барқарор ремиссияга эришиш имконини беради ва бу эндоскопик ва клиник текширувлар натижалари билан тасдиқланган. *Илмий янгиликни амалиётга жорий*

этиллиши: олинган илмий-амалиёт маълумотлари Навоий вилояти Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмасига (15.05.2024 йил, №41 буйруғи), Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасига (07.05.2024 йил №1186-2-208-ТВ/2024 буйруғи), Бухоро туман тиббиёт бирлашмасига (30.04.2024 йил №940-2-32-ТВ/2024 буйруғи), Хоразм вилояти ТТА Урганч филиали клиникасига (15.05.2024 йил №10-I буйруғи), Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси (02.05.2024 йил №496-2-33-ТВ/2024-сон буйруғи), Шофиркон туман тиббиёт бирлашмасига (28.05.2024 йил №2948-2-41-ТВ/2024-сон буйруғи) амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари болаларда сурункали риносинуситни даволашда паст частотали ултратовушни маҳаллий қўллашнинг самарадорлигини ўрганиш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда сурункали риносинуситни даволашда ПЧУТ маҳаллий қўлланилиб, ижобий клиник-микробиологик натижаларга эришиш орқали иқтисодий самарадорликка эришилган бўлиб 1 нафар бемор учун умумий нархи 2400000 сўм бюджет маблағларидан иқтисод қилинади. *Хулоса:* болалар орасида сурункали риносинуситни Streptococcus pneumoniae (49%), Haemophilus influenzae (25,1%), Haemophilus influenzae+Str.pneumoniae (15,2%), Staphylococcus aureus (7,9%), Streptococcus pyogenus (3%) каби қўзғатувчилар монокультура ва микроорганизмлар ассоциацияси шаклида келтириб чиқариши аниқланди. Қўзғатувчиларнинг ассоциация кўринишида учраши касаллик оғирлик даражасини белгилаб берган.

Иккинчи илмий янгилик: илк бор анъанавий ҳамда паст частотали ултратовуш терапияси қўшилган комплекс даволаш самарадорлигининг юқорилиги асосланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ултратовуш терапияси қўлланган беморларда симптомлар динамикасида сезиларли фарқ кузатилди: даволашнинг 10-кунига келиб клиник белгилари (бурун битиши, ринорея, бош оғриғи) тўлиқ йўқолиши 78% беморларда қайд этилган, ҳолбуки, назорат гуруҳида бу кўрсаткич фақат 17-кунига келиб эришилган. *Илмий янгиликни амалиётга жорий этиллиши:* олинган илмий-амалиёт маълумотлари Навоий вилояти Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмасига (15.05.2024 йил, №41 буйруғи), Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасига (07.05.2024 йил №1186-2-208-ТВ/2024 буйруғи), Бухоро туман тиббиёт бирлашмасига (30.04.2024 йил №940-2-32-ТВ/2024 буйруғи), Хоразм вилояти ТТА Урганч филиали клиникасига (15.05.2024 йил №10-I буйруғи), Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси (02.05.2024 йил №496-2-33-ТВ/2024-сон буйруғи), Шофиркон туман тиббиёт бирлашмасига (28.05.2024 йил №2948-2-41-ТВ/2024-сон буйруғи) амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари болаларда сурункали риносинуситни даволашда комплекс терапия, яъни паст частотали ултратовуш ва 1% диоксидинни қўллашнинг мақбул усуллари ишлаб чиқиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда сурункали риносинуситни даволашда паст частотали ултратовуш ва 1% диоксидинни қўллаш орқали клиник симптомларни бартараф этиш вақтини қисқартириш, БЁБлари шиллиқ қаватининг меъёрий ҳолатини тўлиқ тиклаш, симптомлар яхшиланишига тезроқ эришиш орқали касаллик тез-тез қайталаниши, даво муддатини қисқартириш ва асоратлар ривожланиш хавфини камайтириш

орқали иқтисодий самарадорликка эришилган бўлиб 1 нафар бемор учун умумий нархи 2400000 сўм бюджет маблағларидан иқтисод қилинади. *Хулоса:* сурункали риносинусит билан оғриган беморларни комплекс даволашда ПЧУТни қўллаш клиник белгиларни бартараф этиш вақтини 1,4 бараварга ишонарли даражада қисқартирди. СРСни комплекс даволашда ушбу даво усулини қўллаш касалликка чалинган болаларни даволашда ижобий натижаларга эришиш учун самарали ҳисобланади. Тавсия этилган даво алгоритми таъсирида касалликнинг 7-кунига келиб, барча беморларда (100%) бурун ва БЁБлари шиллиқ қаватининг нормал ҳолати тўлиқ тикланди.

Учинчи илмий янгилик: паст частотали ултратовуш кавитациясини қўллаш 71% беморларда яллиғланиш жараёнларининг сезиларли даражада камайишига, бурун ёндош бўшлиқларининг дренаж функциясини яхшиланишига ва тикланиш жараёнининг тезлашишига имкон бериши исботланган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* ишлаб чиқилган даволаш алгоритми беморларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олишга имкон беради. Бу эса терапия самарадорлигини сезиларли даражада оширади. Паст частотали ултратовуш қўлланилиши ремиссия давомийлигини оширишга ёрдам бериши исботланган: янги усул бўйича даволанган беморларнинг 68%ида ремиссия 12 ой давомида сақланган, ҳолбуки стандарт даволаш гуруҳида 6 ой ичида 42% беморда рецидивлар кузатилган. *Илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий-амалиёт маълумотлари Навоий вилояти Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмасига (15.05.2024 йил, №41 буйруғи), Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасига (07.05.2024 йил №1186-2-208-ТВ/2024 буйруғи), Бухоро туман тиббиёт бирлашмасига (30.04.2024 йил №940-2-32-ТВ/2024 буйруғи), Хоразм вилояти ТТА Урганч филиали клиникасига (15.05.2024 йил №10-I буйруғи), Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси (02.05.2024 йил №496-2-33-ТВ/2024-сон буйруғи), Шофиркон туман тиббиёт бирлашмасига (28.05.2024 йил №2948-2-41-ТВ/2024-сон буйруғи) амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқот натижалари болаларда сурункали риносинуситни даволашда ПЧУТни қўллаш жарроҳлик амалиётини камайтириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда сурункали риносинуситни даволашда ПЧУТни қўллаш жарроҳлик амалиётини камайтириш орқали 1 нафар бемор учун умумий нархи 2400000 сўм бюджет маблағларидан иқтисод қилинади. *Хулоса:* сурункали риносинусит билан касалланган беморларни даволашда паст частотали ултратовушни маҳаллий қўллаш стандарт консерватив даво тавсия қилинган беморлар гуруҳига нисбатан ишонарли даражадаги клиник-микробиологик натижаларга эришиш имконини берди. Клиник симптомлар учраш даражасининг пасайишига стандарт усулда даволанган бемор болаларлар гуруҳига нисбатан 1,3-1,4 баравар тезроқ эришилди.

Тўртинчи илмий янгилик: илк маротаба сурункали риносинусит билан оғриган болаларни паст частотали ултратовуш кавитацияси ёрдамида даволашнинг мақбул алгоритми ишлаб чиқилган. *Илмий янгиликнинг аҳамияти:* паст частотали ултратовуш таъсиридан фойдаланиш антибактериал терапияга бўлган эҳтиёжни камайитиришга имкон беради: комплекс даволаш гуруҳида антибиотиклар фақат 34% беморларда

қўлланилган, ҳолбуки анъанавий терапия гуруҳида бу кўрсаткич 61% ни ташкил этган. Бу эса антибиотикларга чидамлилиқ ривожланиш хавфини камайтиради ва ножўя таъсирлар сонини қисқартирган. *Илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши:* олинган илмий-амалиёт маълумотлари Навоий вилояти Зарафшон шаҳар тиббиёт бирлашмасига (15.05.2024 йил, №41 буйруғи), Когон шаҳар тиббиёт бирлашмасига (07.05.2024 йил №1186-2-208-ТВ/2024 буйруғи), Бухоро туман тиббиёт бирлашмасига (30.04.2024 йил №940-2-32-ТВ/2024 буйруғи), Хоразм вилояти ТТА Урганч филиали клиникасига (15.05.2024 йил №10-I буйруғи), Вобкент туман тиббиёт бирлашмаси (02.05.2024 йил №496-2-33-ТВ/2024-сон буйруғи), Шофиркон туман тиббиёт бирлашмасига (28.05.2024 йил №2948-2-41-ТВ/2024-сон буйруғи) амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* ўтказилган тадқиқотлар асосида болаларда сурункали риносинуситни даволашда ПЧУТни қўллаш касаллик клиник кечимига таъсири ўрганилди ва баҳоланди. Мазкур кўрсаткичлар асосида сурункали риносинуситни даволашда ПЧУТ ва 1% диоксидинни қўллашнинг оптимал схемаси ишлаб чиқилди ва даво алгоритми тузилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда сурункали риносинуситни даволашда ПЧУТ ва 1% диоксидинни қўллашнинг энг мақбул схемаси ишлаб чиқилганлиги даволаш жараёни самарадорлигини ошириш орқали иқтисодий самарадорликка эришилган бўлиб, 1 нафар бемор учун умумий антропометрия нархи 2400000 сўм бюджет маблағларидан иқтисод қилинади. *Хулоса:* тадқиқот натижасида сурункали риносинусит билан оғриган болаларни паст частотали ултратовуш ёрдамида даволаш учун оптимал алгоритм ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда муҳокама қилиниб, апробациядан ўтказилди, шу жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика конференцияларида тақдим этилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий ишлар нашр этилган, шундан 7 та мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда эълон қилинган. Ушбу мақолалардан 6 таси республика нашрларида, 1 таси эса халқаро илмий журналда чоп этилган.

Диссертациянинг таркиби ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, натижалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги

кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда сурункали бактериал риносинуситларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий муаммоларини таҳлил қилиш**» деб номланган биринчи бобида асосан охирги ўн йилликдаги илмий манбалардан олинган маълумотлар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинган. Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг илмий ютуқлари замонавий даражада чуқур таҳлил қилиниб, бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари яллиғланишининг болалар орасида тарқалиши, этиопатогенетик ва медикосоциал хусусиятлари, клиник белгилари, диагностикаси ва замонавий даволаш усуллари тўғрисидаги маълумотлар маҳаллий ва хорижий олимларнинг илмий маълумотлари билан таҳлил қилиниб, батафсил ёритилган адабиётлар маълумотлари умумлаштирилган ва муаммонинг долзарблиги асосланган. Бу бобда сурункали риносинусит ривожланишида бурун ва бурун ёндош бўшлиқлари микробиотининг патофизиологик асослари, клиник - диагностик жиҳатлари ва турли даволаш усуллари баён этилган, улар орасидаги устунлик ва камчиликлар очиб берилган ҳамда долзарб вазифалари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг асосий материали ва усуллари баён этилган.

1-жадвал


Гуруҳларда ёш бўйича тақсимот

Ёш диапазони	1-гуруҳ		2-гуруҳ	
	abs	M±m,%	Abs	M±m,%
7–9 ёш	44	29,33±3,72	44	29,33±3,72
10–11 ёш	40	26,67±3,61	40	26,67±3,61
12–13 ёш	26	17,33±3,09	26	17,33±3,09
14–16 ёш	40	26,67±3,61	40	26,67±3,61
P	$\chi^2 = 4,987$; p = 0,173		$\chi^2 = 4,987$; p = 0,173	
P	χ^2 Пирсон= 0,000; p = 1,000			

Тадқиқотга 2022-2024 йиллар давомида Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва «BUKHARA LOR MED CENTRE» хусусий клиникасида сурункали риносинусит билан амбулатор даволанган 300 нафар беморларда клиник тадқиқотлар ўтказилди.

1-жадвалда икки гуруҳдаги беморларнинг ёш бўйича тақсимооти келтирилган. Статистик таҳлил ёш бўйича гуруҳлар орасида сезиларли фарқ йўқлигини кўрсатди.

2-гуруҳда ўғил болалар улуши 52% ни, қиз болалар эса 48% ни ташкил этди, 1-гуруҳда эса ўғил болалар 54%, қиз болалар эса 46% ни ташкил этди. Шунини таъкидлаш муҳимки, гуруҳлар ўртасида жинсий таркиб бўйича статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқ мавжуд эмас (1-расм).



1-расм. Иккала гуруҳдаги болаларнинг жинси бўйича тақсимооти (n=300)

Тадқиқот бошланишидан олдин барча беморлар ва уларнинг ота-оналаридан тадқиқотда иштирок этиш учун уларнинг розилиги олинди. Махсус тарзда уларга ушбу даволаш усулининг принциплари ва унинг қўлланиш мақсадлари тақдим этилди. Шикоятларни баҳолаш учун махсус SNOT – 22 сўровномаси қўлланилди. Бу баҳолаш тадқиқотчи, беморнинг ота-онаси ва ўзига қаратилган саволнома орқали ўтказилди. Беморлар ҳолатининг оғирлик даражаси 10 баллик визуал аналогик шкала (ВАШ) бўйича аниқланди. Шикоятларнинг сони бўйича динамика даволашнинг 1,3 ва 6- кунларида, шунингдек, даволашни тугатганидан 14 кун ва 1 ой ўтгач ўлчанди.

Мукоцилиар клиренс вақтини аниқлаш учун "сахарин тест" усули қўлланилди ва бу жараёнда Hergestellt (Германия, GMBH) компаниясининг озиқ-овқат сахарини ишлатилди.

Цитологик таҳлил стандарт методика асосида, жумладан, суртма олиш орқали амалга оширилди. Бу мақсадда материал бурун бўшлиғидан стерил пахта тампони ёрдамида олиниб, предмет шишасига кўчирилди ва кейин лабораторияда ишлов берилди. Суртма Романовский-Гимза усулида бўялди, шундан сўнг Carl Zeiss (Германия) компаниясининг Axiostar Plus микроскопида микроскопик таҳлил ўтказилди. Суртма натижалари турли хил лейкоцитларнинг фоиз миқдорида асосланиб интерпретация қилинди.

Иккала гуруҳ беморларини даволашда комплекс терапия қўлланилди. Бу терапияга антибиотиклар, бурун бўшлиқлари касалликларини даволаш учун ўсимлик воситаси ва санадия усуллари киритилди. Ҳар икки гуруҳда асосий

антибактериал препарат сифатида 250 мг/125 мг дозада Амоксициллин/Клавуланат икки марта кунга бир марта 5 кун давомида қабул қилинди. Агар беморда β -лактамларга аллергия бўлса, унда 250 мг дозада Азитромицин бир марта кунга 3 кун давомида тавсия қилинди. Барча гуруҳларда БЁБларининг яллиғланиш касалликларини даволаш учун Синупрет форте ўсимлик асосидаги препарат қўлланилди. Ушбу препарат, ўрта бурун йўли соҳасидаги уч шохли нерв рецепторларига таъсир қилиб, рефлектор гиперсекрецияни ҳосил қилади. Бу эса бу секретларни суюлтириш, патологик таркибни синуслардан эвакуация қилиш ва физиологик дренажни тиклашга ёрдам беради. Шунингдек, препарат қон айланишини яхшилаш учун вазодилатация жараёнини рағбатлантиради. Даволаш курси 6 кун бўлиб, препарат ҳар куни бир марта ҳар бир бурун йўлига бир марта пуркаб қўйилади (2-жадвал).

2-жадвал

1 ва 2-гуруҳда қўлланилган терапия

Даволаш	1-гуруҳ	2-гуруҳ
Антибактериал терапия	Амоксициллин/Клавуланат 250 мг/125 мг, кунига 2 маротаба, 5 кун давомида.	Амоксициллин/Клавуланат 250 мг/125 мг, кунига 2 маротаба, 5 кун давомида.
	Аллергия ҳолатида: Азитромицин 250 мг, кунга 1 марта, 3 кун давомида (2 беморда).	Аллергия ҳолатида: Азитромицин 250 мг, кунга 1 марта, 3 кун давомида (1 беморда).
Муколитик восита	Синупрет форте: 0,13 мл кунига бир маҳал 2–3 томчидан ҳар бир бурун йўлига, 6 кун давомида.	Синупрет форте: 0,13 мл кунига бир маҳал 2–3 томчидан ҳар бир бурун йўлига, 6 кун давомида.
Бурун бўшлиғини санация қилиш	0,3% водород пероксид эритмаси ва 1% ионланган диоксидин эритмаси билан кавитацияланган паст частотали ултратовуш текшируви (ФОТЕК қурилмаси). Ултратовуш тебранишларнинг амплитудаси 40 куб.	Бурун бўшлиғини тузли эритма билан стандарт усулга асосан ювиш.
Профилактика воситаси	Синупрет (таблеткалар №50): кунига 1 таблеткадан 3 маҳал, даволаш курси тугагандан кейин 10 кун давомида.	Синупрет (таблеткалар №50): кунига 1 таблеткадан 3 маҳал, даволаш курси тугагандан кейин 10 кун давомида.

Маҳаллий терапия қуйидагича ўтказилди:

1-гуруҳ беморларида бурун ва БЁБларига паст частотали ултратовуш (ПЧУТ) ёрдамида 0,3% водород пероксид ва 1% диоксидин эритмаси сепилди. Ультратовуш тебранишлар амплитудаси 40 шартли бирликни ташкил этди. Сепиш вақти 5–7 дақиқа давом этди (2-расм).

2-гурух беморларида бурун ва БЁБларига 200 мл гача бўлган физиологик эритма ёрдамида стандарт усулга асосан ювилди;

14 кунлик даволаш курси тугагандан сўнг, ҳар икки гурух беморларига эришилган натижаларни мустаҳкамлаш ва касалликнинг эҳтимолий рецидивларини олдини олиш мақсадида қўшимча профилактик терапия белгиланди. Профилактика воситаси сифатида "Синупрет" (Bionorica SE, Германия) таблеткалари №50 қўлланилди. Ушбу препарат комплекс таъсирга эга бўлиб, БЁБларининг дренаж ва вентилизациясини яхшилаш, қолдиқ яллиғланиш аломатларини камайтириш ҳамда маҳаллий иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган.



2-расм. Йиғилган ва фойдаланишга тайёр ФОТЕК АК101 ултратовуш тизимининг кўриниши

Тадқиқот материаллари параметрик ва нопараметрик таҳлил усуллари ёрдамида статистик ишловдан ўтказилган. Бошланғич маълумотларни йиғиш, тузатиш, тизимлаштириш ва олинган натижаларни визуаллаштириш Microsoft Excel 2016 электрон жадвал дастури орқали амалга оширилган. Статистик таҳлил IBM SPSS Statistics v.26 дастури (ишлаб чиқарувчи — IBM Corporation) ёрдамида бажарилган. Номинал ўзгарувчилар мутлоқ қийматлар (n) ва фоизларда (%) ифодаланиб тасвирланган. Гуруҳлар орасидаги фарқларни баҳолаш учун Пирсоннинг χ^2 (хи-квадрат) мезони қўлланилди. Бу усул кузатилган ва кутилган натижалар ўртасидаги фарқнинг аҳамиятлилигини баҳолаш имконини беради. Ҳисобланган χ^2 қиймати $(r-1) \times (c-1)$ эркинлик даражасига мос танланган критик қиймат билан солиштирилган. Агар χ^2 қиймати танланган критик қийматдан катта бўлса,


ўрганилаётган омиллар ўртасида статистик боғлиқлик мавжудлиги хулосаси чиқарилган.

Тўрт поғонали жадвалдаги ҳар қандай хужайрада кутилган кузатувлар сони 5 дан кам бўлган ҳолларда фарқларнинг аҳамият даражасини баҳолаш учун Фишернинг аниқ мезони қўлланилган. Фишернинг аниқ мезони бўйича олинган p қиймати 0,05 дан катта бўлса, статистик аҳамиятли фарқлар мавжуд эмаслигига далолат қилади. Агар p қиймати 0,05 дан кам бўлса, фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли деб ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Сурункали риносинусит билан касалланган беморларни клиник ва инструментал текшириш натижалари**» деб номланган учинчи бобида СРС билан касалланган беморларни муолажадан олдинги клиник, функционал, эндоскопик, цитологик, нурли ва микробиологик текширувларни ўрганиш натижалари келтирилган.

Барча тадқиқотга жалб қилинган 300 нафар бемор болаларнинг шикоятлари умумлаштирилган ҳолда таҳлил қилинганда, барча гуруҳдаги беморлар бурун орқали нафас олишда қийинчилик, бурун оқиши, халқумнинг орқа девори бўйлаб шиллик тўпланиш ҳисси, бош оғриғи каби шикоятлар билан касалхонага мурожат қилишди. Тадқиқот доирасида асосий гуруҳ (АГ) ва назорат гуруҳидан (НГ) олинган маълумотларнинг таққослаш таҳлили амалга оширилди.

Халқаро стандартларга мувофиқ, сурункали риносинусит оғирлигини баҳолаш учун бемор ўз ҳолатини 10 баллик ВАШ (визуал-аналог шкаласи) ёрдамида субъектив равишда баҳолайди. Беморлар касаллик симптомларининг шиддатини акс эттирадиган нуқтани шкалада белгилайдилар (3-расм).



3-расм. Текширувнинг биринчи кунда ҳар иккала гуруҳда ВАШ бўйича оғирлик даражасини баҳолаш

Кенг қамровли оториноларингологик текширувдан сўнг тадқиқотга жалб қилинган барча бемор болаларни қаттиқ ва мослашувчан оптик тизимли эндоскоп ёрдамида бурун бўшлиғи ва бурун-халқум соҳаси текширилган (3-жадвал).

3-жадвал

Иккала гуруҳда биринчи кундаги риноскопик манзара (n=300)

Риноскопик манзара	1-гурух, n=150		2-гурух, n=150	
	abs	M±m,%	abs	M±m,%
БШҚ нинг гиперемияси				
Яққол (3 балл)	133	88,67±2,59	136	90,67±2,38
Ўрта даража (2 балл)	17	11,33±2,59	14	9,33±2,38
P	$\chi^2=89,707$; p = 0,000		$\chi^2=99,227$; p = 0,000	
P	χ^2 Пирсон = 0,324; p = 0,569			
БШҚ нинг шиши				
Яққол (3 балл)	136	90,67±2,38	128	85,33±2,89
Ўрта даража (2 балл)	14	9,33±2,38	22	14,67±2,89
	$\chi^2=99,227$; p = 0,000		$\chi^2=74,907$; p = 0,000	
P	χ^2 Пирсон = 2,020; p = 0,155			
Ўрта бурун йўлларидаги патологик ажралма				
Йирингли (3 балл)	128	85,33±2,89	120	80±3,27
Шиллиқ-йирингли (2 балл)	22	14,67±2,89	30	20±3,27
	$\chi^2=74,907$; p = 0,000		$\chi^2=54,000$; p = 0,000	
P	χ^2 Пирсона = 1,489; p = 0,222			
Патологик ажралманинг халқум орқа девори бўйлаб оқиши				
Кўп (3 балл)	42	28±3,67	38	25,33±3,55
Ўрта (2 балл)	83	55,33±4,06	78	52±4,08
Кам (1 балл)	25	16,67±3,04	34	22,67±3,42
	$\chi^2=35,560$; p = 0,000		$\chi^2=23,680$; p = 0,000	
P	χ^2 Пирсон =1,728; p = 0,421			

Тадқиқотда сурункали риносинусит билан беморларда патогенетик механизмларни янада батафсил баҳолаш имконини берувчи бир қатор хос клиник-лаборатор ўзгаришлар аниқланган (4-жадвал).

4-жадвал.

Тадқиқот гуруҳларида риноцитограмма натижалари (M±σ)

Кўрсаткичлар	Норма	Тадқиқот гуруҳлари	
		1 гуруҳ	2 гуруҳ
Тана ҳарорати (°C)	36,6	36,8±0,6 ^x	36,7±0,59 ^x
Нейтрофил (%)	40–55	25,3±5,19 ^x	24,8±5,52 ^x
Лимфоцит (%)	20–45	0,09±0,06 ^x	0,1±0,07 ^x
Эозинофил (хужайра/кўриш майдони)	Йўқ	0,11±0,04 ^x	0,11±0,04 ^x

Изоҳ: * - ўртача арифметик қийматлар фарқининг «1-гуруҳ»га нисбатан ишончлилиги белгиланган (** - P<0,05; * - P<0,01; * - P<0,001);
x - «Норма»га нисбатан фарқнинг ишончлилиги (xxx - P<0,05; xx - P<0,01; x - P<0,001).

Бундан ташқари, БЁБларнинг компьютер томографияси яллиғланиш жараёнининг учта асосий шаклини аниқлашга имкон берган (5-жадвал).

5-жадвал.

Беморларнинг икки гуруҳида компьютер томографияси бўйича паранасал синусларнинг яллиғланиш ўзгаришлари шакллари тақсимланиши (n=300)

Касаллик шакли	1 гуруҳ (n = 150)		2 гуруҳ (n = 150)	
	abs	M±m,%	abs	M±m,%
Бир томонлама юқори жағ бўшлиғида ҳаво интенсивлигининг пасайиши	64	42,67±4,04	63	42±4,03
Икки томонлама юқори жағ бўшлиғида ҳаво интенсивлигининг пасайиши	49	32,67±3,83	50	33,33±3,85
Барча бўшлиқларда бир томонлама ҳаво интенсивлигининг пасайиши	37	24,67±3,52	37	24,67±3,52
Р	$\chi^2=7,320$; p = 0,026		$\chi^2=6,760$; p = 0,034	
Р	χ^2 Пирсон = 0,018; p = 0,991			

Микробиологик таҳлил натижаларига кўра қатор патоген микроорганизмларни аниқланди ва уларнинг клиник ва лаборатор кўрсаткичлар билан боғлиқлиги очиб берилди. 85% ҳолатларда монофлора кузатилди, лекин ассоциацияланган флора фақат 15% ҳолатларда аниқланди. Микробиал ландшафтнинг асосий таркиби кўпинча кокклардан иборат бўлиб, бу ҳолатлар 60% ҳолатда кузатилди (6-жадвал).

6- жадвал.


1 ва 2-гуруҳлардаги патоген микрофлоранинг сифат таркиби (n=300)

Микроорганизм	1-гуруҳ (KOE/мл, ± SD)	2-гуруҳ (KOE/мл, ± SD)	P-value
<i>Streptococcus pneumoniae</i>	6,9 ± 0,12	6,8 ± 0,10	p>0,05
<i>Haemophilus influenzae</i>	6,7 ± 0,11	6,6 ± 0,09	p>0,05
<i>H. influenzae</i> + <i>Str. Pneumoniae</i>	7,1 ± 0,14	7,0 ± 0,12	p>0,05
<i>Staphylococcus aureus</i>	6,6 ± 0,09	6,5 ± 0,08	p>0,05
<i>Streptococcus pyogenes</i>	6,8 ± 0,13	6,7 ± 0,11	p>0,05

Изох: * - «1 гуруҳ»га нисбатан арифметик ўртача қийматлардаги фарқларнинг ишончилиги (*** - P<0,05; ** - P<0,01; * - P<0,001).

Диссертациянинг «Сурункали риносинусит билан оғриган беморларни комплекс даволашнинг турли усуллар самарадорлигининг қиёсий тавсифи» деб номланган тўртинчи бобида сурункали риносинусит билан оғриган беморларни даволашда паст частотали ултратовушни қўллаш орқали даволаш усулларини такомиллаштириш ва самарадорлигини баҳолаш натижалари келтирилган.

Консерватив даво муолажаларининг 6-кунида барча гуруҳлардаги беморларнинг аксарияти асосий клиник белгиларнинг яхшиланганлигини пайқашди (4-расм).




